# ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ

Шофиркон туман хокимлиги ва “Қурбонбобо” MChJ билан 3 880 000 умумий суммадаги № 2 сонли 29 сентябр 2022 йил шартномага

*(сўмда)*

| 2022 й. ойлар номи | Харажатлар тури | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 48-21-190 | | | |
| Январ | | | | |
| Феврал | | | | |
| Март | | | | |
| Апрел | | | | |
| Май | | | | |
| Июн | | | | |
| Июл | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябр | | | | |
| Октябр | | | | |
| Ноябр | | | | |
| Декабр | 3 880 000 | | | 3 880 000 |
| **Жами йил бўйича** | 3 880 000 | | | 3 880 000 |

Жами: 3 880 000 ( Уч миллион саккиз юз саксон минг ) сум

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 30% и 1 164 000 сўм 2022 йилнинг декабр ойининг 31 санасигача олдиндан тўланиши лозим.

**Рахбар** **Н. Рахмонов**

**М.Ў.**

**Бош хисобчи** **Б.Жалилов**

Ғазначилик бўлинмаси
ходими қабул қилди
2022_ й. «____»___________ _______________ (имзо)

Бюджетдан маблағ олувчи
ходими қабул килди
2022 й. «____»___________ _______________ (имзо)

# О Л Д И – С О Т Д И  Ш А Р Т Н О М А С И № 2

**Шофиркон   шахри** **« 29 » сентябр 2022 йил**

"Курбонбобо" МЧЖ  кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми асосида иш юритувчи М.Имомов номидан, бир томондан ва Шофиркон туман хокимлиги  кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми асосида иш юритувчи туман хокимининг биринчи уринбосари Н. Рахмонов  номидан  иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(махсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (Махсулот)   номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи ҚҚС билан | Бахоси ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|
| I | Спорт кийими (26 дона) | комплект | I | 3 880 000 | 3 880 000 |
| | | | | | |
| | Жами | | | | 3 880 000 |

2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: «31» декабрь » 2022 йилгача

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси ҚҚС билан 3 880 000  ( Уч миллион саккиз юз саксон минг )  сўмни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинадиган Товар (махсулот) учун олдиндан тулов миқдори 30 % фоизини  1 164 000 (  Бир миллион бир юз олтмиш тўрт минг  ) сумни     ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов   2022 йил декабр ойида  амалга оширилади.Якуний туловнинг микдори эса, келишилган сумманинг 70 фоизини 2 716 000 ( Икки миллион етти юз ўн олти минг ) сумни ташкил этади ва бу якуний тулов хисоб варака тақдим килингандан сунг 2022 йилнинг декабрь  ойининг "31" санасигача амалга оширилади.

2..3  Узбекистон Республикаси Президнетининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли карорига  асосан бюджетдан маблаг олувчиларнинг бюджет маблаглари хисобига тузиладиган шартномаларида, коидага кура, 30 фоиз микдорида олдиндан хак тулашназардатутилган.

2,4Тўлов шакли накд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (махсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (махсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот)  мавжудлиги  хақида  хабар олган пайтдан бошлаб  3 кун  ичида  сифатсиз  товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини кайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз хисобидан тўлайди.

3.1.4. Сотувчи  Ўзбекистон  Республикасининг   амалдаги   конунчилигига мувофик  товар (маҳсулот)га  бўлган  кафолат муддатларини  тақдим  этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича кабул килиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аникланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

## 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги     битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатта олиниши зарур.

4.3. Шартнома конунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида белгилаб берилган бошка холларда кайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлик топширмаганлик учун Сотувчи хар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар кийматининг 0,5 % микдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар кийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:

5.4.Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар кийматининг 10% микдорида жарима тўлайди;

5.5. Товар ҳақини ўз вактида ёки тўлик тўламаганлик учун Сотиб олувчи хар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус хисоб рақамидан пеня тўлайди.

5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил «31» декабргача амалда булади.
6.2 Мазкур шартнома 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Узбекистон Республикаси " Бюджет кодекси"нинг 122-моддвси хамда Узбекистон Республикаси Молия Вазирлиги 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруги билан тасдикланган " Бюджет тизими бюджетларининг Газна ижросикоидалари" 2016 йил 22 декабрдаги 2850-сонли руйхатдан утказилгандан сунг конуний кучга киради.
6.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб хисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
64. Шартнома муддатидан олдин куйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофик;
- Ўз.Р. конунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.

- Форс-Мажор холатларида

## 7. Шартномани конуний кучга кириши

7.1. 2014 йил 1 январдан кучга кирган Узбекистон Республикаси Бюджет Кодексининг 122- моддаси хамда Узбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594- сонли карорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар ( ишлар , хизматлар ) етказиб берувчилар билан шартномалари , шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблаглари хисобига капитал курилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Газначиликда руйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарга тутилган .

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган такдирларида Ўз.Р. Фукаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида"ги конуни ҳамда бошка қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
8.2. Тарафлар ўртасида келиб чикадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги конунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида хал қилинади.
8.3. Келишмовчиликлар юзага келган такдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан хал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида хал қилинади.

## 9. БОШКА ШАРТЛАР

9.1 Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва хар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| «СОТУВЧИ» | «СОТИБ ОЛУВЧИ» |
|---|---|
| "Қурбонбобо" МЧЖ | Шофиркон туман хокимлиги |
| Шофиркон туман. Навоий кучаси | (бюджет маблагларини олувчи номи) |
| Манзили:Шофиркон шох кучаси | манзили Шофиркон ш. Мустакиллик 4 |
| Тел : 91 407 94 00 | Ғазначилик бўлим номи: Шофиркон |
| х\р 20208000904108593001 | Газна х/р 23402000300100001010 |
| Бухоро миллийбанк Шофиркон т филиали | МБ ХККМ Тошкент шахри |
| МФО 00084 ИНН 203544233 | МФО 00014 ИНН 201122919 |
| | Тел : 50-2-32-05 |
| | Ш/х/в 305022860062587109601018001 |
| | ИНН:20113350 |
| | ОКОНХ 97600 |
| Рахбар : М.Имомов | Рахбар : Н.Рахмонов |

ҲУҚУҚШУНОС: Ш.Очилов